

Бугун биз кўп миллатли халқимиз билан бирга Янги Ўзбекистонни барпо этмоқдамиз. Янги Ўзбекистон — бу янги ҳаёт, янги тараққиёт, бахтли келажак дегани.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

O'zingni angla!



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2024-yil
20-iyun
payshanba
№ 25 (1400)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz

gazhurriyat@mail.ru ★

t.me/hurriyatuz ★

Hurriyat gazetasi

НУҚТАИ НАЗАР

МУАММО МАКТАБЛАРДА: ГАЗЕТА ЎҚИШ САНЪАТИ ЎРГАТИЛМАЙДИ



ёки жамият матбуотдан юз ўгирыптими?

Катта устозларимизнинг айтишларича, илк бор телевидение ихтиро қилиниб, оммалаша бошлагач, “Радио ҳам, газета ҳам йўқ бўлиб кетади” қабилидаги гаплар жуда кенг тарқалган экан. Бироқ мана неча йилдирки, ҳатто медиа майдонига интернет ОАВ сифатида кириб келганидан кейин матбуот ҳам, радио ҳам сақланиб қолди. Бу ҳолат нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё, шу жумладан, ривожланган давлатларнинг ҳам бошидан ўтди. Аммо масаланинг оғриқли тарафи шундаки, босма нашрлар ўзининг аввалги муштарийларини тобора йўқотиб бормоқда.

Хўш, босма нашрлар бундай ҳолатга келиб қолишига сабаб нима? Уларнинг ўқувчиларини кўпайтириш ва жамиятга таҳлилий материаллар аҳамиятини тушунтириб, муаммони ҳал қилиш учун қандай чоралар зарур? Шу каби саволларга жавоб олиш мақсадида соҳанинг малакали мутахассислари ва ёшлар иштирокида давра суҳбати ташкил этдик.

Жалолиддин САФОЕВ,
“Севимли” телеканали бош директори:

— Ҳар бир соҳа унга янги ғоялар, янги фикрлар, қарашлар кириб келиши билан тирик ҳисобланади. Бу “тириклик”ни эса, асосан, замонавий фикрлайдиган, бугунги кун ахборот технологияларини пухта ўзлаштирган ёшлар таъминлайди. Матбуотимиздаги муаммоларга келадиган бўлсак, газеталарнинг ўз ўқувчиларини йўқотганлиги, керак бўлса, таназзулга юз тутатганлигининг асосий сабабларидан бири — газеталарга ёш кадрлар, яъни журналистлар янги авлодининг эътибори анчайин сусайганлигидир.



Журналистлар тайёрлайдиган даргоҳларда бўлғуси ОАВ вакиллари билан мулоқотда уларнинг келажакдаги режалари ҳақида сўраганимизда, аксарият ёшлар телебош-

ловчи ёки интернет журналисти бўлиш ниятида эканликларини айтишади. Босма ОАВ ёшларимиз диққатидан анча йироқлашган. Назаримда, мана шундай муносабат муаммонинг туб илдизларидан бири десак, адашмаймиз.

Иккинчи муаммо шундаки, бугунги кунда замон шиддатига қарамай, айрим газеталардаги ҳамкасбларимиз ўз ишига ҳамоно асримиз бошидаги, керак бўлса, ўтган асрдаги қарашлар билан ёндашмоқда. Ҳали-ҳамоно мақолаларнинг ҳажми низоҳатда катта, улар узундан-узоқ ва кескин тафсилотларга тўла.

4-6.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

ОАВ ВАКИЛЛАРИ МЕҲНАТ ВА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР АКАДЕМИЯСИДА

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясига пресс-тур ташкил этилди.



Тадбир иштирокчиларига дастлаб академия фаолиятига бағишланган видеоролик намойиш қилинди. Шундан сўнг мазкур таълим даргоҳининг ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Азимжон Мирзажонов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 августдаги қарорига мувофиқ ташкил этилган Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясининг асосий вазифалари, бу ерда ўқитувчи ва талабалар учун яратилган шарт-шароитлар хусусида маълумот берди.

Пресс-тур давомида оммавий ахборот воситалари вакиллари академия ўқув аудиториялари, медиа ва ахборот-ресурс марказлари, спорт зал ва майдонлари билан танишди ва ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олди.

— Ижтимоий ҳаётимизда ҳар бир фуқаро дуч келадиган масала — меҳнат муносабатлари бўлади, — дейди “O'zbekiston 24” радиоканали бош муҳаррири ўринбосари Зарбиби Чориева. — Шундан келиб чиқадиган бўлсак, Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясининг фаолияти айни мuddао. Академиянинг ахборот-ресурс маркази Ўзбекистон Миллий кутубхонасига интеграция қилингани ва талабалар 3 миллиондан ортиқ қўлланмалар, дарсликлар, ўқув адабиётларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлгани эътиборга молик.

2-6.

ЭЪТИРОФ

БМТ Туризм бош котиби Зураб Пололикашвили: ЎЗБЕКИСТОН ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ НАМУНАСИНИ КЎРСАТМОҚДА

БМТ Туризм Ижроия кенгаши Ўзбекистон ташаббусини бир овоздан маъқуллади

Ўзбекистоннинг Испаниядаги элчиси Фаррух Турсунов бошчилигидаги делегациянинг БМТ Туризм Ижроия кенгаши 121-сессиясидаги иштироки доирасида мамлакатимизнинг Глобал хавфсиз туризм кодексини ишлаб чиқиш бўйича ҳукуматлараро комиссия тузиш ташаббуси бир овоздан маъқулланди.

Глобал хавфсиз туризм кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ташаббуси Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2023 йил октябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг Туризм бўйича 25-сессиясида билдирилган эди.

Қайд этилишича, бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида кузатилаётган зиддиятлар ва адолатли туризм экотизмининг яратиш йўлидаги олдинга ташланган қадамдир.



минлаш бўйича ягона ёндашувни ишлаб чиқиш зарурати туғилмоқда ва тақлиф этилаётган кодекснинг ишлаб чиқиши янада хавфсиз, барқарор ва адолатли туризм экотизмининг яратиш йўлидаги олдинга ташланган қадамдир.

Ишлаб чиқилган кодекс туризмни барқарор ривожлантириш воситаларидан бирига айланиши ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда маданий меросни асраб-авайлаш бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олиши кутилмоқда.

БМТ Туризм бош котиби Зураб Пололикашвили сессиядаги нутқида, Ўзбекистон ҳукумати

республиканинг ташкилот фаолиятига қўшган улкан ҳиссаси учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон мазкур тузилманинг энг фаол иштирокчиси эканлигини ва нафақат жаҳон туризм индустриясини ривожлантиришга, балки БМТ имижини оширишга ҳам ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлади.

Бош котиб Ўзбекистон туризмни ривожлантиришга комплекс ёндашув намунасини кўрсатаётганини, бу минтақанинг бошқа мамлакатлари учун ўрнак бўлиши мумкинлигини ҳам қайд этди.


“Дунё” АА.
Барселона шаҳри.

ЭЛ СУВ ИЧГАН ДАРЁЛАР

ШОИРЛИК ШУКРОНАСИ

Газета ва журналистика менинг тақдирим ва келажак ҳаёт йўлимни белгилаб берган, десам, муҳолага бўлмайди. Лекин бу таъриф низоҳатда камдек туюлади. Сабаби, газетада ишлаш ёш ижодкор учун, ҳақиқатан ҳам, завқ шавқ маскани, ҳаётни ўрганиш ва ҳақиқий маҳорат мактаби эди.

Уша йиллар Эрнест Хемингуэйнинг “Алвидо, кулол!” романи уста мутаржим Иброҳим Ғафуров таржимасида кенг китобхонлар, жумладан, ёшлар ўртасида ҳам қўлма-қўл мутолаа қилинарди. Нобель мукофоти соҳиби бўлмиш оламшумул адибнинг: “Оддий хабарни эплаг ёза билган ижодкор, шак-шубҳасиз, йирик романи ҳам уддалай олади”, — деган ҳикматли сузи успириш муҳбир сифатида менинг ҳам юрагимдан жой олган эди. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)дан кейин ҳаёт дорулфунунда устозлар тимсолида — тирик китоблардан кўпроқ ўрганиб, ибрат олганман, десам, эҳтимол, бугунги ўқувчи учун қизиқ туюлар.



Ҳаваскорлик папаларимда Ўткир исмли кўп инсонларга дуч келганман.

Авалламбор, ТошДУни битириб, анча-мунча сарсонликлардан сўнг Шукур аканинг тавсияси билан “Тошкент оқшоми”га ишга кирганимда — уша пайтда “Баҳор қайтмайди” қиссаси билан доврқ қозониб, шов-шувларга сабаб бўлган таниқли адиб Ўткир Ҳошимовни кўрган пайтим бошдан кечирган ҳаяжонларим ҳамоно эсимда. Газетанинг “Ахборот” бўлими мудири, “ахборот қироли” лақаби билан машҳур Абдулла ака Пўлатов Ўткир акага мени таништирар экан, у кишининг: “Э-э, Шукуржон айтган шоир йилгит сиз бўласизми?” дея лутф билан хайрихоҳлик билдирганидан роса хурсанд бўлганман. Машҳурлиги боис унча-мунча одам юрак ютиб яқинлаша олмайдиган катта ёзувчидан бундай илиқ гапни

эшитиш ҳали илк китоби чиқмаган ҳаваскор ўсмир учун нақадар қутилмаган бахт ва эътироф эди.

Ўткирлардан яна бири — таҳририят йўлидан товуш чиқармай, мулойимгина кириб келадиган, эл орасида машҳур қўшиқнавис шоир Ўткир ака — Ўткир Рашид эдики, биз у кишининг бир-икта янги таронасини “оқшом”нинг шанба саҳифасидаги “Кекса кўнгил мавжлари” руқни остида бир неча марта чоп этганимиз...

Қанча сувлар оқиб ўтди. Неча-неча сохта таълимотлар-у мустабид тузумлар заволга юз тутди.

Не бахтки, она Ўзбекистонимиз истиқлолга эришди.

Бироқ истиқлолга эришишнинг ўзигина бўлмас экан.

3-6.

РАҚС — САНЪАТИМИЗ КЎРКИ

Кўп асрлик бой ва бетакрор маданиятимизнинг ажралмас қисми бўлган миллий рақс санъатининг халқимиз маънавияти, бадиий-эстетик қарашларини юксалтириш, ёш авлодни миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Ўзбекистонда рақс санъати соҳасига эътибор ва муносабат тубдан ўзгарди. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 4 февралдаги “Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари том маънода миллий рақс санъати тараққиёти ва хореография таълим тизимида тарихий воқеа бўлди. Ўзбек миллий рақс санъатини ривожлантириш, уни жаҳон саҳналарига олиб чиқиш борасида бугунги кунда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Муҳтарам юртбошимизнинг 2020 йил 28 сентябрда қабул қилинган “Лазги” халқаро рақс фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги қарорига асосан Хива шаҳрида ҳар икки йилда бир марта “Лазги” халқаро рақс фестивалининг ўтказилиши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 январдаги 31-сонли қарорига асосан Ўзбекистон давлат хореография академияси Урганч филиали ташкил этилганлиги фикримизнинг исботидир.



Филиалда бугунги кунда 170 дан ортиқ талаба-ёшлар хореография жамоалари раҳбари таълим йўналиши бўйича кундузги ва сиртки таълим шаклида таълим-тарбия олмақда. Талабаларга рақс санъатининг сирларини Ўзбекистон халқ артисти, Америка



Қўшма штатларидаги Евроосиё рақс академиясининг академиги, профессор Гавҳар Матқубова, Ўзбекистон халқ артисти, устоз балетмейстер Абибулла Шарипов, “Маданият ва санъат фидокори” ва “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги” кўрак нишони соҳиби, кўплаб ёшларнинг сеvimли устози, тажрибали балетмейстер Шоназар Ботиров, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси унвони соҳибаси Зиёбаш Пирлелесовалар ургатиб келмоқда.

Ушбу қисқа давр мобайнида филиал талабалари назарий ва амалий билим олиш билан бир қаторда, кўплаб халқаро ва республика миқёсида ўтказилаётган кўрик-танловлар ва фестивалларда қатнашиб, совринли ўринларни кўлга киритди. Жумладан, 2023 йил 18 ноябрда Қозоғистон халқи Ассамблеяси, Қозоғистон ўзбеклари этномаданий бирлашмаларининг “Дўстлик” ҳамжамияти ҳамкорлигида Чимкент шаҳрида “Илм-фан, таълим ва санъат интеграцияси: истиқболли режалар” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ва анжуман доирасида ўтказилган Ўзбекистон халқ артисти, профессор Гавҳар Матқубова номидаги халқаро рақс кўрик-танловида филиалнинг 2-босқич талабалари Р.Сапаева биринчи, Б.Машарипова иккинчи ўринни кўлга киритди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 мартдаги “Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ филиалнинг 2-босқич талабаси Сапаева Рисолат Рустам қизи Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди. Жорий йилнинг 13-17 май кунлари Хоразм вилоятидаги барча олий таълим муассасалари талабалари иштирокида ўтказилган “Талабалар фестивали — 2024” кўрик-танловида “Талабалар овози” номинацияси бўйича

Машарипова 3-ўринни кўлга киритди.

Филиалга бир қатор хориқ мамлакатларидан соҳа мутахассислари ташриф буюриб, ўзбек миллий рақс санъати, хусусан, Хоразм рақс санъатининг тарихи, шаклланиш жараёни ва ижро услуби, турларини илмий жиҳатдан ўрганиш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди. Германиянинг Констанц университети профессори, доктор Татина Тхиммхоним, Қозоғистоннинг Х.Дўсмұхамедов номидаги Атирау университетининг халқаро ҳамкорлик ва халқаролаштириш бўлими бошлиғи, профессор Қ.А.Ширханова, Лал Баҳодур Шастро номидаги Ҳинд маданияти маркази (ЛБССИС) директори Ситеш Кумар жаноблари бошчилигидаги делегация аъзолари ва ҳиндистонлик хореограф, моҳир раққоса Никитахонимлар филиалга ташриф буюриб, Хоразм рақс санъатининг ўтмиши ва бугунги кундаги ижро услуби, талабаларнинг эришаётган ютуқлари билан яқиндан танишиб, келгусида халқаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш бўйича келишувга эришилди. Улар томонидан филиал талабаларига “Маҳорат дарслари” ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 январдаги 31-сон қарорига асосан Миллий рақс санъати соҳасида малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, Хоразмнинг қадимий рақси — “Лазги”ни асраб-авайлаш, уни илмий ўрганиш, жаҳон миқёсида кенг тарғиб қилиш мақсадида филиал таркибиде “Лазги” ижрочилигини янада ривожлантириш бўлими ташкил этилган ва ушбу қарор билан бўлимининг асосий вазифалари белгилаб берилган. Жумладан, “Лазги” ижрочилигини янада ривожлантириш, бу борада шаклланиш ижро ва ижодий мактаблар фаолиятини кўллаб-қувватлаш; фан-таълим ва ижрочилиқнинг интеграциялашувини таъминлаш; “Лазги” ижро йўли намуналари “Олтин фонди”ни яратиш; аънавий “Лазги” ижро йўлини асраб-авайлаш, уни замонавий ижро услублари намуналари билан янада такомиллаштириш, рақсининг ижтимоий-тарихий илдизлари, ил-

шарий қадриятлар билан боғлиқ жиҳатларини олимлар ва ижрочи мутахассислар иштирокида чуқур ўрганиш; “Лазги” ижро йўлини кенг тарғиб қилиш бўйича халқаро ҳамкорликни



йўлга қўйиш; “Лазги” ижро намуналарини оммавий ахборот воситалари ҳамда Интернет ахборот тармоғи орқали чет элларда кенг тарғиб қилишдан иборат. Бугунги кунда бўлим томонидан қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 100 га яқин илмий мақола ва тезислар чоп этилди, “Лазги” ижро йўли намуналари “Олтин фонди” яратилди, “Лазги” рақсининг тарихи, ривожланиш жараёни ҳамда ижрочи раққос ва раққосаларнинг ижодий фаолиятини ёритишга қаратилган 200 дан ортиқ экспонатлардан иборат Хоразм “Лазги” рақс санъати музейи ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2023 йил 3 июлдаги “Маъмурий ислохотлар доирасида олий таълим, фан ва инновациялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориде белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида ва самарали бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон давлат хореография академияси Урганч филиалида 2024 йил 5 март кун “Лазги” рақсининг шаклланиш тарихи ва тенденцияси” мавзусида республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда рақс санъати соҳасидаги муаммо ва камчиликлар муҳокама қилинди. Хусусан, рақс санъатининг инсон саломатлигидаги ўрни ва аҳамияти, рақс санъатининг тарих, фалсафа, адабиёт ва педагогика фанлари билан узвий боғлиқлиги, ёшларимизни жисмонан соғлом қилиб тарбиялашда нақадар аҳамияти катта эканлиги ҳақида кўплаб маълумотлар берилди. Илмий анжуман доирасида китоблар кўргазмаси ва конференция илмий тўпламининг тақдироти ҳам ўтказилди.

Жорий йилнинг 27-30 апрель кунлари Хива шаҳрида бўлиб ўтган II Халқаро “Лазги” фестивали доирасида ташкил қилинган “Хоразм “Лазги” рақси: маданий дипломатияни ривожлантиришнинг илмий-назарий, маънавий-маърифий тамойиллари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуманда филиал

профессор-ўқитувчилари ва талабалари ўзларининг илмий мақола ва бадиий чиқишлари билан фаол иштирок этиб, Маданият вазирлигининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Академия профессор-ўқитувчилари томонидан 2023-2024 ўқув йили давомида 1 та ўқув кўланма, 40 та илмий мақола эълон қилинди. Шулардан халқаро журналларда 14 та, юқори “Impact factor” (“Web of Science”, “Scopus”) журналларида 3 та мақоланинг чоп этилиши илмий салоҳиятнинг кучайиши учун муҳим аҳамият касб этди.

Филиал хорижий олий таълим муассасалари билан халқаро ҳамкорлиқни йўлга қўйиш бўйича бугунги кунда Қозоғистон миллий хореография академияси, Хитой Халқ Республикасининг Шенян педагогика университети билан халқаро ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Ҳозирда Қозоғистон миллий хореография академиясига академик мобиллик бўйича талабалар ва профессор ўқитувчилар алмашинуви йўлга қўйилди ва 3-босқич талабаси Расул Шамуротов академик мобиллик дастури бўйича Қозоғистон миллий хореография академиясида таҳсил олмақда.

Юртимизда ёшларга яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиб келаётган филиалимиз талабалари келажакда миллий рақс санъати ривожига ўз ҳиссаларини қўишига, ўзбек санъатини янги ижодий ютуқлар, илмий тадқиқотлар билан бойитишига ишонамиз.

Атабек САПАРБОВЕВ,
Ўзбекистон давлат хореография академияси Урганч филиали директорининг ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи ўринбосари.



